

Сенат Раиси МДХ ПА мажлисларида иштирок этади

2020 йил 27 ноябрь куни МДХ ПА Кенгашининг навбатдаги йиғилиши ва Ассамблеянинг элик биринчи ялпи мажлиси видеоконференцалоқа шаклида бўлиб ўтади.

Уларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т. Нарбаева кириш сўзи билан иштирок этади.



ПА Кенгаши йиғилишида коронавирус пандемиясига қарши кураш бўйича МДХ давлатларида амалга оширилаётган чора-тадбирларни ҳуқуқий таъминлаш, Евроосиё минтақасидаги иқтисодий интеграция истиқболлари, Ҳамдўстлик доирасида 2021 йилда бўлиб ўтадиган сайловларни кузатишга тайёргарлик кўриш, МДХ ПА ва Европа Кенгаши Парламент Ассамблеяси ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилиши назарда тутилган.

Манба